

6

Зихе бурокинг изи мехру сайри баркосо,  
Бу барк сайри била пўяси фалакфарсо.

Бурун кадам бу макондин чу ломакон кўйдунг,  
Не навъ дейки, анинг гоми эрди гардунсо.

Висол субхи дейин, йўк уруж окшомиким,  
Сабохдек эди ул барк нури бирла масо.

Кўлин бу барк ёрутти, дамин бу ел очди,  
Агар сипехр уза Мусо эди ва гар Ийсо.

Чу колди сайрида руху-л-амин, не тонг, ул хам  
Гар ўлмади сафарингнинг ниҳоятига расо.

Малойик ўлмадилар ул харам аро махрам,  
Рижол хилвати давридин ул сифатки нисо.

Навоий асру бузулмиш, бокиб иноят ила  
Анинг бузуглугини бир кўз учи бирла ясо.

7

Бедилинг хайли русул, сенсен аларга дилрабо,  
Ё набий, рухий фидока ахлан ва сахлан мархабо.

Гох давлатлик бошингдин кетмайин чатри сахоб,  
Гах фалакрав маркабингга етмайин пайки сабо.

Шоми васлинг топмаганга субхи содик хар сахар,  
Панжайи хуршид ила пироханин айлар кабо.

Туфрог ўлмиш, мен кўяй деб остонбўсунгга юз,  
Холима рахм айлабон килма бу ранжимни хабо.

Шери гардун ул кишига бўйни боглиг бўлгай ит  
Ким, эшигинг итларин топкай ўзига акрабо.

Бўлмагай эрди муяссар «Хамса», яъни панж ганж,  
Килмаса эрди мадад холимга беш оли або.

Эй Навоий, чорайи дардингни килгай улки бор  
Хам расулу хам амин, хам мустафо, хам мужтабо.

92

Зихе бошинг уза ва-ш-шамс зеваридин тож,  
Сочинг саводида тафсири лайлат-ул-меърож.

Нужум жавхаридин тожи жохинга тарсиъ,  
Сипехр атласидин тахти рифъатингга дувож.

Сахар яшил аламидин ливонг уза шукка,  
Малак калин хашаридин сипохингга афвож.

Бешишт сори киши тийра гўрдин бормас,  
Шафоатинг алифи тутмайин йўлига сирож.

Хидоятинг кўлидин шарбати шифо топибон,  
Аники илллати куфр айлабон заифмизож.

Салоти хамсани адёнга айладинг носих,  
Бу панжа бирла малакнинг юзига урдунг кож.

Навоий ўлди чу мухтожинг, айла рахм ангаким,  
Ганий карим эса ибромга эмас мухтож.

201

Шахсуворим тавсани айларму оё пўя тез,  
Ё куёш турки фалак рахшин килиптур гармхез.

Ул шихоб эрмаски майдони аро гўй ўлгали,  
Саъд кавкаблар тушар ерга килиб кўктин гурез.

Гардлиг чавгон хамида ахтар ўлган уйлаким,  
Гўйи габгаб даврида чавгон зулфи мушкбез.

Маркаби тер катраси бирлаки харён сочилур,  
Бир сахоби дурфншондур ер юзига катрарез.

Гўйи чавгон зарбидин тутмок била хар дам хаво  
Бийм эрурким шишайи гардунни килгай рез-рез.

Сокиё, май берки бу даврон аро гўй урди ул  
Ким, фалак чавгони бирла килмади мардум ситез.

Гўй учун инди кавокиб гардидин ер тутти авж,  
Эй Навоий, вокиф ўл гўёки бўлди рустахез.

242

Жамоли нуруни чеккан тарозу ою куёш,  
Магар бу бирида нур эрди, ул бирисида тош.

Гар ойда тош эмас эрди, куёшда нурундин  
Кудурат ичра колиб ой, мунаввар ўлди куёш.

Куёшка нурки юкмиш хануз эрур ул нур,  
Хануз ой ичра хамул тош эрурки, бўлмиш фош.

Уруж акшоми тегрангда ою кавкаблар,  
Масих гирдида андоки, бир неча хаффош.

Юзи тубон тушубон маркабинг изига малак,  
Ер узра курсни килгон кеби гадой талош.

Чу курб кофига еттинг, етишмади Жибрил  
Не навъ худхуд Семург ила бўлур йўлдош.

Аёгига чу малойик бошин кўя олмас,  
Навоиё, кўя кўр итлари аёгига бош.

272

Хусн оятики келди юзунг киссасида нас,  
Тонг йўк, десамки шаънидадур ахсан-ул кисас.

Мусхафни ўртадим дединг ўтлук узор ила,  
Кўнглум кабул килди каломинг начукки нас.

Кўнглум кушини тиги гаминг килди чок-чок,  
Билман кўнгулни кушмудурур эмди ё кафас.

Лаълинг нигини шархидадур гўйиё фусус,  
Хар жузвида нишонаи вакф айлади бу фас.

Ўлдумки, катлинга нега ушшок бўлди хос,  
Тиргузди буки ёна мени айладинг ахас.

Таквии ишк аро чу азимат тилар кўнгул,  
Аввал керакки, бир тараф этсанг бори рухас.

284

Не нутки дилкаш эрур, вах, не дилрабо алфоз,

Масих нуткида йўк буйла жонфизо алфоз.

Эрур хужаста сўзунг файз мавжининг тенгизи,  
Тенгизда хар сариги дурри бебахо алфоз.

Сўзунгда лафзин эшиткач араб фасихлари,  
Бириси килмадилар сўзга ибтидо алфоз.

Сўзунгда пири хирад топмайин галат ахком,  
Тилинга сахв ила хам ўтмайин хато алфоз.

Санга надим ўлубон Жабраил хам кетуруб,  
Бир ошно кошидин барча ошно алфоз.

Сипехр жавфида дарё вужудунг ичра сўзунг,  
Бу бахр ичинда жавохир сўзунг аро алфоз.

Навоий айлади наътингни, вирд бўлса, не тонг,  
Анга каломи равонбахшу мунтахо алфоз.

295

Зихи бурокинг изидин камар узоорида дог,  
Муайян икки карогингга сурмаи мозог.

Чу ёрутуб юзунг ўти фалак шабистонин,  
Уётидин ўчуруб хар тараф нужум чарог.

Шамимким сочибон зулфи анбарафшонинг,  
Бўлуб савомиъ кудси элига атри димог.

Ўтуб чу кадду узоринг сипехри ахзардин  
Бу навъ сарв ила гул топмайин яна ул бог.

Улуска зулмати куфр ичра изтироб эрди,  
Юзунг куёши фуругидин ўлди мунча фарог.

Китобинг ўзга кутубдинки бордурур аблаг,  
Балогатингга муносиб хак айламиш иблог.

Бу баски айни иноят била кўзунг тушса,  
Тамуг ўтига Навоийни судраб элтур чоғ.

521

Юсуф эрмас чу малохатда жамолингга шабих,

Хуснунгга ани малих ўлмагай этсам ташбих.

Одам асрорининг ижмолини килдинг тафсил,  
Мундин эркинки дединг алваладу сирру абих.

Чун берур бог гулу шўра тикон, сен очибон,  
Лутфдин гул нечаким хори жафо урса сафих.

Восил ўлди нафасинг руhini англаб ориф,  
Шаръ тузди, чу анинг зохирини билди факих.

Андаким сен чекибон иззу назохат этагин,  
Йўк жанобингда малойикка махалли танзих.

Хам камар шаккин ишорат била айлаб зохир,  
Хам шажар машин иродат била айлаб танбих.

Кимки сендин эвуруб чехра кора топиб важх  
Ким, хадисингга килиб таън дебон бетавжих.

Ой тулуъ этса бўлур меҳри жамолинг зохир  
Ким, бўлур фахм жамил оллигаким келди карих.

Гар Навоий сари махшарда назар айламасанг,  
Сакару нордек ўлгай анга хулду мофих.